ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

20 15 йил «26 05.

№ 217

Қишлоқ врачлик пунктларида бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун дори воситалари, тиббий буюмлар ва реактивларнинг консолидар харидини ўтказишни ташкиллаштириш тўғрисида

Қишлоқ врачлик пунктлари учун бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишда дори воситалари, тиббий буюмлар ва реактивларни харид қилишга мўлжалланган консолидар харидни ўтказиш бўйича тайёргарлик ишларини ташкиллаштириш, ажратилган бюджет маблағларидан янада самарали фойдаланиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Қуйидагилар:

қишлоқ врачлик пунктларини дори воситалари, тиббий буюмлар ва реактивлар билан таъминлаш учун мўлжалланган консолидар харидни ўтказишни ташкиллаштириш бўйича ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага;

қишлоқ врачлик пунктлари учун 2015 йилда консолидар харид қилинадиган бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун дори воситалари, тиббий буюмлар ва реактивлар рўйхати 2-иловага;

қишлоқ врачлик пунктларида консолидар харид асосида сотиб олинган дори воситалари, тиббий буюмлар ва реактивларнинг мақсадли ишлатилишини ўрганиш бўйича мониторинг гуруҳи 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мониторинг гуруҳи қишлоқ врачлик пунктларида консолидар харид асосида олинган дори воситалари, тиббий буюмлар ва реактивларнинг мақсадли ишлатилишини 4-иловадаги саволномага мувофиқ ўрганиб, натижалари бўйича маълумотни ҳар ойнинг 5-санасига қадар ишчи гуруҳига тақдим этсин.

000992

3. Ишчи гуруҳи ҳудудларда консолидар харидни ўтказиш бўйича ўтказилган мониторинг натижаларини ўз йиғилишларида муҳокама қилиб, раҳбариятга тегишли таклифларни киритиб борсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларига:

қишлоқ врачлик пунктларини дори воситалари, тиббий буюмлар ва реактивлар билан таъминлаш мақсадида ишчи орган сифатида консолидар харидни ўтказишни ташкиллаштириш, ўтказилган савдо натижаларини таҳлил қилиб бориш ҳамда консолидар савдоларда тежалган маблағларни аниқлаш;

маркетинг изланишлар асосида консолидар харидни ўтказиш учун сотиб олинадиган дори воситалари, тиббий буюмлар ва реактивларнинг энг юқори баҳосини белгилаш;

ҳудудий Доимий фаолиятдаги ҳайъатлар томонидан консолидар харид асосида сотиб олинган дори воситалари, тиббий буюмлар ва реактивларни қишлоқ врачлик пунктларида мақсадли ва рационал ишлатишилиши устидан доимий назорат ўрнатиш топширилсин.

5. Соғлиқни сақлашни электрон ривожлантириш "UZMEDINFO" Маркази дирёктори М.В. Боймухамедов ва "Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш" газетасининг бош муҳаррири ўринбосари И.Ж.Соатовалар ушбу буйруқ матнини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб сайти ҳамда "Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш" газетасида эълон қилсин.

6. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А.А.Худаяров зиммасига юклатилсин.

Вазир **А.Алимов**